



RETROSPECTIVE ANALYSIS OF A PRIMARY HEARING INSTITUTION

Esanaliyev S.N.

Law Enforcement Academy

independent researcher

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13833205>

ARTICLE INFO

Received: 18th September 2024

Accepted: 23th September 2024

Online: 24th September 2024

KEYWORDS

History of preliminary hearings, ancient (classical) period, stages of development, Middle Ages, development of modern legal systems, judicial decision, judge, regulations.

ABSTRACT

The article examines the history of preliminary hearings in criminal cases, the stages of their development, including the ancient (classical) period, the Middle Ages, and modern legal systems. It discusses the procedures and elements of conducting preliminary hearings at various stages of legal development, as well as the perspectives of scholars on this issue.

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ИНСТИТУТИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

С.Н.Эсаналиев

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13833205>

ARTICLE INFO

Received: 18th September 2024

Accepted: 23th September 2024

Online: 24th September 2024

KEYWORDS

Дастлабки эшитув тарихи, қадимги (антик давр), ривожланиш босқичлари, ўрта асрлар, замонавий ҳуқуқий тизимлар ривожланиши, суд ажрими, судья, низом.

ABSTRACT

Мақолада жиноят ишларини дастлабки эшитув босқичи сифатида кўриб чиқишнинг тарихи, унинг ривожланиш босқичлари, шу жумладан қадимги (антик давр), ўрта асрлар ҳамда замонавий ҳуқуқий тизимлар ривожланишида дастлабки эшитув ўтказиш тартиб-таомиллари, унинг асосий элементлари, бу борада олимларнинг қарашлари илгари сурилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.03.2020 йилдаги ПФ-5953-сонли¹ Фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги ПФ-5953-сонли Фармони. [Электрон ресурс], қаралган вақти 29.05.2024 йил.



маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” да амалга оширишга доир давлат дастури”нинг 45-бандига кўра, Жиноят ишлари судда кўриш учун тайинлаш босқичига “*дастлабки эшитув*” институтини жорий этиш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикасининг 18.02.2021 йилдаги “Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонунига асосан Жиноят-процессуал кодексига дастлабки эшитув босқичи киритилди². Жиноят-процессуал кодексига дастлабки эшитув босқичи киритилгандан сўнг ушбу босқичда жиноят ишлари тўхтатиш, тугатиш, бирлаштириш (ажратиш), прокурорга юбориш, номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш асослари белгиланди.

Муқаддам судья томонидан жиноят ишлари қабул қилиб олинган, тайёрлов босқичида тарафлар иштирокисиз тегишли ажримлардан бирини чиқарилган бўлса, эндиликда етарли асослар мавжуд бўлган ҳолларда жиноят ишлари дастлабки эшитув тарзида **тарафлар иштирокида** (айбланувчи, ҳимоячи, прокурор, гувоҳлар) кўриб чиқилмоқда.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясига кўра, дастлабки эшитув институтининг пайдо бўлиш сабаблари бир қатор омилларга бориб тақалади. Бу борада илмий манбаларда турлича қарашларни илгари сурилган.

Олимлар А.В. Смирнов³ ҳамда Г.Ф. Поленов⁴ “*дастлабки эшитув жиноий судловда айбланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилган*” деб таъкидласа, В.Л.Грин “*дастлабки эшитувнинг пайдо бўлиш сабабларидан яна бири процессуал камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш*”⁵, Г.Ф. Поленов “*дастлабки эшитув жиноий процессуал қонунчиликни мукаммаллаштириш учун жорий этилган*”⁶ деб таъкидлаган. Юқорида билдирилган фикрларни асослаш мақсадида ушбу босқичнинг тарихий босқичларига тўхтатиб ўтишни жоиз деб биламиз. Бу борада ҳуқуқшунос олимлар мазкур босқични турли даврларга бўлиб таҳлил қилганлар.

Олимлар Р.Хардинг⁷, П.Розен⁸ ҳамда Дж.Томас⁹ дастлабки эшитув тарихини тўрт асосий даврга яъни қадимги жамиятлар даври (ибтидоий босқичлар), ўрта асрлар даври (инквизиция жараёнлари), ренессанс ва янги давр (ҳуқуқ ислохотлари), ҳозирги замон (муштаҳкам ҳуқуқий тизимлар)га бўлиб ўрганган.

Олимлар А.Кэррол¹⁰ ҳамда М.Флинн¹¹ дастлабки эшитувнинг тарихий ривожланишини уч асосий даврга яъни қадимги ва ўрта асрлар даври (инквизиция

² Ўзбекистон Республикасининг 18.02.2021 йилдаги “Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонуни. [Электрон ресурс], қаралган вақти 17.05.2024 йил.

³ А.В. Смирнов, “Теория и практика предварительного слушания”, 2020, 89 ст.

⁴ Г.Ф. Поленов, “Уголовный процесс”, 2018, 125 с.

⁵ В.Л. Грин, “Уголовный процесс и предварительное слушание”, 2021, стр 178.

⁶ Г.Ф. Поленов, “Уголовный процесс”, 2018, стр 125.

⁷ Harding, R., Medieval Justice: A History of Criminal Law and Procedure, 2015, p. 87.

⁸ Rosen, P., The Origins of Criminal Procedure: A Historical Analysis, 2010, p. 45.

⁹ Thomas, J., The Evolution of Criminal Justice in the Renaissance, 2018, p. 122.

¹⁰ Carroll, A., Modern Criminal Procedure: Principles and Practices, 2021, p. 203.

¹¹ Flynn, M., International Standards in Criminal Justice, 2019, p. 167.



жараёнлари), *янги давр* (ҳуқуқ ислохотлари ва янги қонунлар), *замонавий давр* (мустаҳкам ҳуқуқий тизимлар ва халқаро стандартлар)га бўлиб ўрганган.

Олимлар С.Р.Миллер¹² Дж.К.Стивенс¹³, Л.П.Хансен¹⁴ А.Т.Уотсон¹⁵, М.Э.Гудман¹⁶ ўзларининг тадқиқот ишларида дастлабки эшитувнинг ривожланишини беш давр яъни, *антик давр* (қадимги рим ва юнон ҳуқуқ тизимлари), *ўрта асрлар* (инквизиция ва канон ҳуқуқи), *янги замон* (ренессанс ва мустаҳкам ҳуқуқий тизимлар), *модерн замон* (индустриализация ва ҳуқуқий модернизация), *ҳозирги замон* (халқаро стандартлар ва инсон ҳуқуқлари)га бўлиб ўрганган.

Фикримизда, юқорида кўрсатилган илмий манбалардан келиб чиққан ҳолда, дастлабки эшитувнинг тарихий ривожланиш босқичларини *қадимги, ўрта ва замонавий* даврларга бўлиб ўрганишни жоиз деб биламиз. Сабаби, юқорида кўрсатилган олимларнинг мазкур босқични даврлашлари ўша вақтдаги ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар, ислохотлар ва халқаро стандартлар асосида шаклланган дейиш мумкин. Тарихда дастлабки эшитув босқичининг элементлари турли даврларда ҳамда турли ҳуқуқий тизимларда ҳар хил номлар билан аталиб келинган бўлсада, унинг фундаментал асослари бир бирига ўхшашлигини кўрамиз.

Масалан, “*Diligentia*” (Дифферент текширув) - Рим империясининг илк даврлари¹⁷, “*Anakrisis*” (Анакризис) - Қадимги Юнонистонда¹⁸, “*Inquisitio*” (Инквизиция) - ўрта асрларда¹⁹, “*Qadi's Inquiry*” (Қозининг сўрови) - ислом давлатларида IX-XIII асрларда²⁰ “*Sessio*” (Сессия) - умумий Европада²¹, “*Maleficia*” (Жиноят сўрови) - ўрта асрларда Италия шаҳарларида²², “*Officium*” (Офис текшируви) - умумий Европада XII-XVI асрларда²³, “*Fama Clamosa*” (Шов-шувли гап-сўз) - ўрта асрлар Европасида²⁴, “*Monitory Process*” (Огоҳлантириш жараёни) - Испанияда XVI асрда²⁵, “*Ad Probationes*” (Далилларга асосланиш) - Рим ва Византияда²⁶, “*Instructio*” (Инструктаж) - Италияда XV-XVI асрларда²⁷, “*Examen*” (Сўроқ) - Испанияда XVII асрда²⁸, “*Ordinary Process*” (Оддий

¹² Miller, S. R., The Historical Development of Criminal Procedures, 2016, p. 89.

¹³ Stevens, J. K., A Comparative History of Criminal Justice, 2017, p. 146.

¹⁴ Hansen, L. P., The Development of Judicial Procedures: A Historical Perspective, 2019, p. 211.

¹⁵ Watson, A. T., Criminal Justice Evolution: From Ancient to Modern Times, 2020, p. 178.

¹⁶ Goodman, M. E., Judicial Reform and Criminal Procedure, 2021, p. 198.

¹⁷ Frier, Bruce W. (1985). “The Rise of the Roman Jurists: Studies in Cicero's Pro Caecina.” Princeton University Press, pp. 45-50.

¹⁸ MacDowell, Douglas M. (1978). “The Law in Classical Athens.” Cornell University Press, pp. 60-65.

¹⁹ Langbein, John H. (1974). “Prosecuting Crime in the Renaissance: England, Germany, France.” Harvard University Press, pp. 39-45.

²⁰ Powers, David S. (1989). “Studies in Qur'an and Hadith: The Formation of the Islamic Law of Inheritance.” University of California Press, pp. 78-83.

²¹ Thomas, Joseph D. (2002). “European Legal History: A Cultural and Political Perspective.” University of Chicago Press, pp. 223-228.

²² Hyde, J. K. (1973). “Society and Politics in Medieval Italy.” St. Martin's Press, pp. 201-208.

²³ Peters, Edward. (1985). “Torture.” Basil Blackwell, pp. 65-71.

²⁴ Bossy, John. (1985). “Christianity in the West, 1400-1700” Oxford University Press, pp. 134-139.

²⁵ Lea, Henry Charles. (1906). “A History of the Inquisition of Spain” Macmillan, pp. 94-97.

²⁶ Kaser, Max (1968). “Roman Private Law” University of Oxford Press, pp. 203-210.

²⁷ Vianello, Mario (1968). “The Evolution of Italian Criminal Procedure.” Comparative Studies in Society and History, Vol. 10, No. 1, pp. 78-86.

²⁸ Kagan, Richard L. (1981). “Lawsuits and Litigants in Castile, 1500-1700”. University of North Carolina Press, pp. 91-98.



жараён) - Шотландияда XV-XVIII асрларда²⁹, “Interrogatoire Preliminaire” (Дастлабки сўроқ) - Францияда XVII-XVIII асрлар³⁰, “Inquisitorial Hearing” (Инквизитор эшитув) - Германияда XVII-XVIII асрлар³¹, “Voruntersuchung” (Предварительное следствие) - Россия ва Германияда XIX асрларда³², “Indictment Hearing” (Айблов эшитуви) – Британия XIX асрда³³, “Preliminary Inquiry” ёки “Preliminary Hearing” (Дастлабки эшитув) - Буюк Британия ва АҚШда XIX асрдан буён³⁴, “Pre-Trial” (Судгача жараён) - замонавий давр³⁵, “Rogatory Inquiry” (Рогаторий текширув) - Францияда XVIII-XIX асрларда³⁶ “Bail Hearing” (Қамоққа олиш эшитуви) - АҚШда ва Буюк Британияда XIX асрдан буён³⁷, “Enquête” (Текширув) - Францияда XIX аср³⁸, “Instruction” (Инструктаж) - Германияда XIX аср³⁹, “Preliminary Examination” (Дастлабки текширув) - АҚШда XIX-XX асрлар⁴⁰, Рим Империясида “Cognitio” (Текширув)⁴¹ каби номлар билан аталган.

Фикримизча, дастлабки эшитув босқичи ва унинг вазифалари вақт ўтиши билан ўзгариб келинган. Мазкур босқичнинг турли даврлардаги ўзига хос жиҳатлари ва аҳамиятини илмий манбалар мисолида таҳлил қиламиз.

Қадимги (антик) давр. Дастлабки эшитув босқичининг илк кўринишлари қадимги Римда мавжуд бўлган. Яъни, ушбу босқичда судьялар томонидан далилларни тўплаш ва текшириш ишлари амалга оширилган. Масалан, “Қадимги Римда дастлабки эшитув босқичининг илк намуналари “in iure” (юрисдикция босқичи) деб аталган”⁴². Бу босқичда даъвогар ва жавобгар судья (магистрат) олдига келиб, ўз даъволари ва эътирозларини баён этган. Судья (магистрат) бу босқичда ишнинг ҳуқуқий асосларини текшириб, унинг судга яроқли ёки йўқлигини аниқлаган. Агар иш судга кўришга яроқли деб топилса, унда магистрат ишни “apud iudicem” (ҳақиқий суд жараёни) босқичига ўтказган. Айни ушбу босқичда ишлар мустақил судья (iudex) томонидан кўриб чиқилган. “In iure” (юрисдикция босқичи)⁴³ босқичини ўтказиш судья (магистрат)нинг асосий

²⁹ Walker, David M. (1976). “A Legal History of Scotland”. Butterworths, pp. 321-327.

³⁰ Salmon, Marylynn. (1986). “Women and the Law of Property in Early America” University of North Carolina Press, pp. 112-115.

³¹ Radding, Charles M., and Ciaran, L. Anderson. (2003). “Medieval Law in Context: The Growth of Legal Consciousness from Magna Carta to the Peasants' Revolt.” Manchester University Press, pp. 102-109.

³² Зимин, Александр Алексеевич. (1972). “Право и суд в Московской Руси.” Издательство МГУ, стр. 102-109.

³³ Cornish, W.R., & Clark, G. de N. (1989). “Law and Society in England: 1750-1950.” Oxford University Press, pp. 111-116.

³⁴ Baker, John H. (1990). “An Introduction to English Legal History.” Butterworths, pp. 584-589.

³⁵ Hodgson, Jacqueline. (2005). “The Police, the Prosecutor and the Judge: The Creation and Transformation of the Pre-Trial Process in Britain and France” British Journal of Criminology, Vol. 45, No. 3, pp. 377-379.

³⁶ Halpérin, Jean-Louis. (1996). “The Civil Code and the Code of Criminal Instruction.” Cambridge University Press, pp. 85-91.

³⁷ Feeley, Malcolm M. (1979). “The Process is the Punishment: Handling Cases in a Lower Criminal Court.” Russell Sage Foundation, pp. 72-78.

³⁸ Brissaud, Jean. (1912). “A History of French Public Law.” Little, Brown and Company, pp. 335-342.

³⁹ Merryman, John H. (1985). “The Civil Law Tradition: An Introduction to the Legal Systems of Western Europe and Latin America.” Stanford University Press, pp. 143-148.

⁴⁰ Alschuler, Albert W. (1975). “The Defense Attorney's Role in Plea Bargaining.” Yale Law Journal, Vol. 84, No. 6, pp. 1175-1191.

⁴¹ Crook, John A. (1967). “Law and Life of Rome: 90 BC-AD 212.” Cornell University Press, pp. 108-114.

⁴² Frier, Bruce W. (1985). “The Rise of the Roman Jurists: Studies in Cicero's Pro Caecina.” Princeton University Press, pp. 45-50.

⁴³ Honoré, Tony. (1977). “Emperors and Lawyers.” Oxford University Press, pp. 87-93.



вазифаси бўлиб, у ишни судга киритиш ёки киритмаслик масаласини ҳал қилган. Бу босқичда судья (магистрат) тарафларнинг даъволарини ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаган.

Бошқа манбаларда⁴⁴ Қадимги Римда “In iure” босқичида судья (магистрат) ишнинг ҳуқуқий муаммоларини текшириб, жиноят ишини судда кўриб чиқишнинг қанчалик муҳим ёки муҳим эмаслиги аниқланган. Агар судья (магистрат) ишни судда кўриб чиқишга яроқли деб топса, иш кейинги босқичга, яъни “apud iudicem” босқичига ўтказилган. Бу босқич ўша вақтларда ишнинг кўриб чиқилиши учун тайёргарлик босқичи ҳисобланган. “In iure” босқичида тарафларнинг даъволари тинглангани, ишнинг ҳуқуқий асослари текширилганлиги, ишни судга киритиш ёки киритмаслик ҳақида қарорлар қабул қилганлиги баён қилинган⁴⁵. Яъни, дастлабки эшитув босқичи қадимги Римда ҳуқуқий жараёнинг муҳим қисми бўлган ва ишнинг судда кўриш даражасини аниқлашда филтр вазифасини ўтаган.

Яна бошқа манбаларда “In iure” босқичи суд жараёнининг дастлабки босқичи сифатида судья (магистрат) тарафларнинг даъволарини тинглаб, ишнинг ҳуқуқий жиҳатларини баҳолаганлиги баён қилинган⁴⁶. Дастлабки эшитув босқичининг илк наънумалари антик классик Рим даврига бориб тақалиши⁴⁷, ўша вақтда жиноят процессининг биринчи босқичида суд тартибида айбланувчининг номини қабул қилиш билан якунланган бўлса (in iure in iudicio), иккинчи босқичда судда иш юритишда айбланувчи судга топширилган деб ҳисобланган (nominis receptio)⁴⁸. Мазкур даврда судья ишни тўлиқ муҳокамага ўтказишдан олдин айбловни асосли ёки асоссиз эканлигини текшириб кўрган.

Шу жумладан, Қадимги Юнонистон ҳуқуқий тизимларида ҳам дастлабки эшитув босқичининг илк намуналари мавжуд бўлиб, бу босқичда далилларни тўплаш ва таҳлил қилиш жараёнлари амалга оширилган. Қадимги Юнонистонда ушбу босқич “anakrisis” деб аталган⁴⁹. Яъни, бунда даъвогар ва жавобгар ўз даъволари ва эътирозларини судга баён қилгани, суд ишни кейинги босқичга ўтказиш ёки уни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилганлиги ҳақида қарашлар мавжуд. Анакризис (дастлабки эшитув) жараёнида судья ишни тўлиқ таҳлил қилиб, ундаги барча ҳуқуқий муаммоларни баҳолаб, ишни судга киритиш ёки киритмаслик ҳақида қарор қабул қилган. Агар иш яроқли деб топилса, суд жараёнининг кейинги босқичига ўтказилган⁵⁰.

Айрим манбаларга кўра⁵¹, “энг қадимги жиноят ишларининг дастлабки эшитув тарзида кўриб чиқилганлигини қадимги Афинада милл.авв V асрда учратамиз”. Яъни, Қадимги Афинада айбловни дастлабки кўриб чиқиш (Eisangelia) 500 кишилик кенгаш

⁴⁴ Metzger, Ernest. (1997). “Litigation in Roman Law.” Oxford University Press, pp. 18-24.

⁴⁵ Frier, Bruce W. (1985). “The Rise of the Roman Jurists: Studies in Cicero's Pro Caecina.” Princeton University Press, pp. 45-50.

⁴⁶ Crook, John A. (1967). “Law and Life of Rome: 90 BC-AD 212.” Cornell University Press, pp. 108-114.

⁴⁷ Friedman, L. A History of American Law. 3rd ed., Simon & Schuster, 2005, p. 112.

⁴⁸ Сыроватская Людмила Николаевна. Предварительное слушание в российском уголовном судопроизводстве [Электронный ресурс]: Дис. канд. юрид. наук: 12.00.09. -И.: РГБ, 2005 (Из фондов Российской Государственной Библиотеки).

⁴⁹ MacDowell, Douglas M. (1978). “The Law in Classical Athens.” Cornell University Press, pp. 60-65.

⁵⁰ Todd, Stephen C. (1993). “The Shape of Athenian Law.” Clarendon Press, pp. 122-128.

⁵¹ Тарасова Ю.И. “К истории возникновения института предварительного слушания”. Право и практика, 2021, pp. 56-61.



ёки халқ йиғини томонидан амалга оширилган. Ушбу босқичда 500 кишилиқ кенгаш ёки халқ йиғини томонидан айбловнинг асослари текширилиб, шахсга айблов қўйиш ёки айблов моҳияти бўйича саволларга жавоб топиш куни белгиланганлиги, томонлар эшитилгач айбланувчига жазо тайинлаш масаласида уни тегишли судга юбориш чоралари ҳал этилганлиги ҳақида қарашлар мавжуд. Дастлабки эшитув жиноят ишини судда кўришга тайёргарлик босқичининг ҳуқуқий вориси сифатида қадимги Рим ҳамда Қадимги Юнонистонда айбланувчи судга тортилганда дастлабки эшитувнинг айрим элементлари намоён бўлган⁵².

Ўрта асрлар. Ўрта асрларда жиноят ишлари бўйича дастлабки эшитув босқичи (“inquisitio” ёки “preliminary inquiry”) турли юрисдикцияларда турлича тартибда ўтказилган⁵³. Яъни мазкур босқич айбланувчини сўроқ қилиш, гувоҳларнинг кўрсатмаларини олиш ва далилларни йиғиш каби жараёнларни ўз ичига олиб, ўша вақтда бу босқичнинг асосий вазифаси жиноят ишини судга кўриб чиқиш учун етарли асосларни аниқлашдан иборат бўлган. Ўрта асрларда Европада жиноят ишлари бўйича дастлабки далилларни тўплаш ва текшириш жараёнлари такомиллашган. Масалан, Францияда дастлабки эшитув босқичида асосий эътибор ишни судга киритиш учун етарли далилларни йиғишга қаратилган. Мазкур босқичда гувоҳларнинг кўрсатмалари олинган, айбланувчи сўроқ қилинган ва бошқа зарур ҳужжатлар тайёрланган, ишнинг ҳуқуқий асослари текширилган. Ўша вақтларда жиноят ишлари юзасидан дастлабки эшитув босқичи жиноят ишини судга киритиш учун тайёргарлик вазифасини бажарган. Бу борада илмий манбаларда бир қатор қарашлар илгари сурилган.

Илмий манбаларда дастлабки терговда суд назорати 1679 йилда илк маротаба Англияда юзага келган⁵⁴. Дастлабки эшитув босқичининг ривожланиши умумий инглиз ҳуқуқига бориб тақалади⁵⁵. Ўша вақтларда дастлабки эшитувлар айбловни қонуний ва асосли тарзда тўлиқ муҳокамага ўтказиш ёки ишни тугатиш учун муҳим восита сифатида ўтказилган. Буюк Британияда дастлабки эшитув босқичида судья ёки магистрат жиноят ишини судга киритиш учун етарли далиллар бор-йўқлигини текширган, айбланувчи сўроқ қилинган, гувоҳлардан кўрсатмалар олинган ва далиллар йиғилган. Судья (магистрат) дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаган ва ишнинг судда кўрилиши учун етарли асос бор-йўқлигини аниқлаган. Агар ишда етарли далиллар мавжуд бўлса, иш судга киритилган, акси бўлган ҳолларда эса иш ёпилган.

Бошқа манбаларда Англо-саксон ҳуқуқ тизимида намуна сифатида дастлабки эшитув (preliminary hearing)нинг классик шакли Буюк Британияда вужудга келган. Айблов акти асосида таъқиб этиладиган жиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан дастлабки эшитув магистрат судья томонидан олиб борилган. Бунда судья судланувчининг айбдорлиги масаласига тўхталмасдан, айнан мазкур шахс томонидан

⁵² Тарасова Ю.И. “К истории возникновения института предварительного слушания”. Право и практика, 2021, pp. 56-61.

⁵³ Langbein, John H. (1974). “Prosecuting Crime in the Renaissance: England, Germany, France.” Harvard University Press, pp. 39-45.

⁵⁴ Иноғомжонова Зумратхон Фатхуллаевна. “Жиноят-процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари”. Ю.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертация. 2006 йил, 51 б/319 б.

⁵⁵ Блэкстоун, У. Commentaries on the Laws of England. 4th ed., Clarendon Press, 1769, p. 138.



жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи етарли далиллар тўпланганлиги, далиллар мақбуллиги, далилларнинг ҳуқуқ нормалари бузилиши натижасида олинган ёки олинмаганлиги тўғрисида дастлабки хулосага келинган⁵⁶. Дастлабки эшитув босқичининг элементлари Европанинг бошқа жойларига қараганда аввалроқ Англияда ривожлана бошлаган. Инглиз жиной процессида айблов хулосаси бўйича дастлабки суд мажлисининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши катта ҳакамлар ҳайъатининг пайдо бўлиш тарихи билан чамбарчас боғлиқ⁵⁷.

Ўрта асрларда Германияда жинойт ишлари юзасидан дастлабки эшитув босқичи ("Voruntersuchung" ёки "inquisitorial process") Европа қитъасининг бошқа давлатларидаги каби муҳим ва кенг тарқалган амалиёт бўлган⁵⁸. Германияда бу жараён кўпинча судьялар томонидан назорат қилинган ва жинойт ишини судга киритиш учун зарур бўлган далилларни йиғишга йўналтирилган.

Ўрта асрларда Муқаддас Рим Империясида жинойт ишлари юзасидан инквизиторлик жараёнининг бир қисми дастлабки эшитув шаклида айбланувчи сўроқ қилинганлиги, гувоҳларнинг кўрсатмалари олинганлиги ва ишни судга киритиш учун зарур бўлган далиллар йиғилганлиги баён қилинган⁵⁹. Мазкур босқичда шахсга нисбатан қийноқлар қўлланганлиги ҳақидаги қарашлар ҳам баён қилинган. Бундан кўринадики, Германияда жинойт ишлари юзасидан дастлабки эшитув босқичи инквизиторлик жараёнининг муҳим қисми бўлган. Бу жараён жинойт ишларида адолатли қарорлар чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ўрта асрларда Россияда жинойт ишлари юзасидан дастлабки эшитув босқичининг илк кўринишлари сифатида "розыскное дело" суд жараёнининг муҳим қисми бўлган⁶⁰. Бу жараёнда жинойт ишини судга киритиш учун зарур бўлган далиллар йиғилган ва айбланувчи сўроқ қилинган, гувоҳлардан кўрсатмалар олинган ва ишнинг ҳуқуқий жиҳатдан яроқлилиги текширилган. Судьялар ёки махсус сўроқчилар бу жараёни назорат қилган ва ишни судга киритиш ёки киритмаслик ҳақида қарор қабул қилган. Россия қонунчилигида дастлабки эшитув босқичининг илк наъмуналари XVIII ва XIX асрларда юзага келганлиги ҳақида қарашлар ҳам мавжуд.

Илмий манбаларда "Россияда дастлабки эшитув босқичи Пётр I даврида юзага келиб, кейинги ҳукмдорлар давридаги ислохотлар натижасида ривожлана бошланган"⁶¹. Масалан, Пётр I томонидан 1723 йилнинг 5 ноябрида қабул қилинган "Суд тизими тўғрисида"ги Фармон суд жараёнларининг тартиб-таомилларини, шу жумладан, тарафлар томонидан бериладиган илтимосномаларнинг тартибини мустаҳкамлаган⁶².

⁵⁶ С.Раҳмонова. "Дастлабки эшитув институти: Суд амалиётига татбиқ этиладиган янги тартиб самараси нимада?". АДВОКАТ 3/2021

⁵⁷ Сыроватская Людмила Николаевна. "Предварительное слушание в российском уголовном судопроизводстве" [Электронный ресурс]: Дис. канд. юрид. наук: 12.00.09. -И.: РГБ, 2005 (Из фондов Российской Государственной Библиотеки).

⁵⁸ Langbein, John H. (1974). "Prosecuting Crime in the Renaissance: England, Germany, France." Harvard University Press, pp. 39-45.

⁵⁹ Schmidt, Klaus M. (2004). "Criminal Law in the Holy Roman Empire: The Role of the Inquisitorial Process." The German Historical Institute, pp. 57-63.

⁶⁰ Кабанов, Николай Михайлович. (1967). "Судебная система Московского государства". наука, стр. 150-157.

⁶¹ Томсинов, В. А., "История русского уголовного процесса", 1996., стр 164.

⁶² "Полное собрание законов Российской империи" (ПСЗРИ), собрание 1, том VII, №4958, 1723 год.



Фармон талабларига кўра, тарафлар томонидан судга бериладиган илтимосномаларнинг тартиби ва уларнинг кўриб чиқилиши жараёнлари баён қилинган. Масалан, Фармонга кўра, Пётр I сим билан тикилган мустаҳкам иккита дафтар яшашни, котиб улардан бирига жавобгарнинг жавобини, бошқасига эса жабрланувчининг жавобини ёзишни буюрган. Бундан кўринадик, ўша вақтларда ҳам дастлабки эшитув босқичининг кўриниши сифатида тегишли баённома расмийлаштирилганлиги ҳақида тасаввурга эга бўламиз.

Бундан ташқари, Франция 1808 йилда ўзининг биринчи Жиноят-процессуал кодексини қабул қилиб, унда жиноят ишлари дастлабки тарзда тергов судьяси томонидан ёпиқ мажлисда кўриб чиқилганлиги, прокурорнинг маърузаси тинглангани ва иш бўйича ёзма материаллар ўқиб эшиттирилганлиги баён қилинган⁶³. Мазкур жараёнда суд мажлисига гувоҳлар таклиф қилинмаган, шахсни жиноятда айблаш учун далиллар етарли эканлигини эътироф этиб, ишни кейинги босқич судига юборишга қарор қилинган⁶⁴. Агар суд мажлисида айбланувчининг ҳаракатларида жиноят таркиби аниқланмаган бўлса, айбланувчини озод қилиш тўғрисида қарор чиқарилган. 1808 йилдаги Франция Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган судга тортишнинг ушбу тартиби кўплаб Европа давлатлари учун бутун XIX аср давомида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Вақт ўтиши билан Европа давлатлари ҳам ўзларининг жиноят-процессуал кодексларини жорий қила бошлаган. Масалан, Австрия - 1873 йилда, Норвегия - 1887, Венгрияда - 1896 йилда, Германияда - 1876 йилда ва бошқалар.

1842 йилдаги Россия империяси қонунларига кўра⁶⁵, жиноят иши судга келиб тушгандан сўнг суд дастлабки тергов тўғри амалга оширилганлиги, бирор-бир ҳолат ўтказиб юборилмаганлиги, далиллар мақбуллиги, ноаниқ дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилганида ишни якунлаш чораларини кўриш белгиланган. Россияда судга тортиш институти (предания суду) 1864 йилдаги суд ислохотлари натижасида белгиланиб, 20.11.1864 йилдаги император фармони билан тасдиқланган Низомга кўра⁶⁶, мамлакатнинг суд тизими йўлида муҳим қадам ташланган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат билан судларнинг жиноят-процессуал фаолияти билан боғлиқ барча жабҳаларда, шу жумладан, судга тортиш институти соҳасида ҳам муҳим ислохотлар амалга оширилган. Россияда судга тортиш институти (предания суду) жиноят ишларини судга тайёрлаш жараёнининг муҳим қисми сифатида, жиноят иши бўйича суд мажлисига қадар амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатларни, яъни, жиноят иши бўйича далилларни текшириш, ишни судга тайёрлаш ва ишни суд мажлисида кўриб чиқишга

⁶³ Сыроватская Людмила Николаевна. Предварительное слушание в российском уголовном судопроизводстве [Электронный ресурс]: Дис. канд. юрид. наук: 12.00.09 .-И.: РГБ, 2005 (Из фондов Российской Государственной Библиотеки) 39 ст.

⁶⁴ Кодекс уголовного расследования Франции 1808 года стал моделью для законодательства многих стран Западной Европы (Италии, Германии, Испании, Португалии, Швейцарии, Нидерландов ...) В Бельгии и Люксембурге он был официально принят как действующий законодательный акт и остается в силе до сих пор. См.; подробнее в книге: Головки Л.В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. М., Фирма «СПАРК», 1995. - С. 7.

⁶⁵ Свод законов Российской империи. СПб, 1842. Т. XV. Кн. II. "О судопроизводстве по преступлениям". Раздел 4. "О производстве дел уголовных в первой степени суда". Глава 1. "О рассмотрении и дополнении следствия"// <https://civil.consultant.ru/reprint/books/229/2.html>.

⁶⁶ Долгих Татьяна Николаевна, "Институт предварительного слушания в уголовном судопроизводстве России". Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. 2007 г, 16 ст/213



топширишни ўз ичига олган. Судга тортиш босқичи жиноят иши бўйича тергов якунлангандан сўнг бошланган. Ушбу босқичда прокурор тергов материалларини текшириб, ишни судга топшириш учун етарли далиллар борлигини аниқлаган. Агар далиллар етарли деб топилса, прокурор ишни судга тортиш ҳақида қарор чиқарган. Бу қарор судга ишни топшириш учун расмий асос бўлган. Иш судга топширилгандан сўнг, судья ишни дастлабки текшириш босқичида кўриб чиқиб жиноят ишини судда кўриб чиқилиши учун етарли асос бор-йўқлигини баҳолаган. Агар судья ишни кўриб чиқишни маъқулласа, суд жараёни бошланган.

Бошқа илмий манбаларда⁶⁷ жиноят процессида суд назоратининг ташкил топиши ва ривожланиши Россияда 1864 йилда амалга оширилган ислохотлардан бошланганлиги, дастлабки эшитув босқичининг элементларини Императорнинг 1864 йил 20 ноябрдаги фармони билан тасдиқланган “Россия жиноят процессуал низоми”да учратамиз ва мазкур босқич “судга тортиш” деб номланган. Жиноят-процессуал низомга кўра, судга бериш босқичи суддан олдин бўлиб, унда маълум бир айбланувчига нисбатан суд жараёнини ўтказиш имконияти масаласи ҳал қилинган. Бу даврда айбланувчини судга олиб келишдаги фаол ташаббус прокурорга берилган. Жумладан, жиноят ишлари прокурор томонидан бевосита туман судига юборилган. Оғир жиноятлар тоифадаги ишлар туман судлари томонидан судьялар иштирокида кўриб чиқилган.

Замонавий ҳуқуқий тизимлар ривожланиши босқичи. Замонавий ҳуқуқий тизимларда дастлабки эшитув институти юқори даражада ривожланган ва мустаҳкам ҳуқуқий асосларга эга бўлган. Бу босқичда дастлабки эшитув жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида янгича қоидалар қўлланилиб келинган. Бу босқич жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлашда асосий аҳамиятга эга бўлган ва жиноят ишининг судда кўриб чиқилишини таъминлаш учун зарур бўлган барча далилларни йиғиш, уларни баҳолаш ва ишни суд муҳокамасига олиб чиқишга тайёргарлик кўришни ўз ичига олган.

Европада жиноят ишлари бўйича дастлабки эшитув босқичи суд жараёнига тайёргарлик кўриш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлашнинг асосий босқичи сифатида қаралган. Бу босқичда ишни судда кўриб чиқиш учун етарли асос бор-йўқлигини аниқлаш, далилларни йиғиш ва уларни текшириш, гувоҳларни сўроқ қилиш ва ишга тегишли барча ҳолатларни ўрганиш ишлари амалга оширилган. Масалан, Францияда (XIX асрларда) жиноят ишлари бўйича дастлабки эшитув босқичи судья-инструктор томонидан амалга оширилган. Судья-инструктор иш бўйича барча далилларни йиғиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, айбланувчини жиноят содир этганликда айблаш учун етарли далилларни аниқлаш вазифасини бажарган. Ушбу босқичда судья-инструктор иш бўйича барча процессуал ҳаракатларни амалга оширган ва ишни суд муҳокамасига олиб чиқиш учун тайёргарлик кўрган.

Германияда жиноят ишлари бўйича дастлабки эшитув босқичи бир нечта судья томонидан амалга оширилган. Бу босқичда судьялар иш бўйича далилларни йиғиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун зарур бўлган барча

⁶⁷ Иноғомжоновна Зумратхон Фатхуллаевна, “Жиноят-процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари”. Диссертация/ю.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган. 2006 йил, 19 б.



жараёнларни амалга оширган. Бу жараёнда судьялар ишни суд муҳокамасига олиб чиқиш учун етарли далиллар мавжудлигини аниқлаган. Айрим манбаларда тарихда биринчилар қаторида тарафларнинг тортишуви тушунчаларидан Германия Олий суди фойдаланганлиги маълум⁶⁸. Германия жиноят-процессуал қонунчилигида 1975 йилга қадар дастлабки суд муҳокамаси деб номланган бобда суд назорати мустақил йўналиш сифатида эътироф этилмасдан, суд назоратининг бу тури тергов судьяси томонидан дастлабки тергов шаклида олиб борилган. Яъни, Германияда 1975 йилдаги суд ислохотларига кўра, тергов судьяси институтига барҳам берилиб, судга беришнинг дастлабки суд муҳокамасида суд назорати кучайтирилган. Германияда (XX аср бошларида) жиноят ишлари бўйича дастлабки эшитув жараёнида прокурор етакчи ролни ўйнаган. Прокурор иш бўйича барча далилларни тўплаган ва уларни текшириш, гувоҳларни сўроқ қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун зарур бўлган барча процессуал ҳаракатларни амалга оширган. Судья эса дастлабки эшитув босқичида ишни суд муҳокамасига олиб чиқиш учун етарли далиллар мавжудлигини аниқлаш мақсадида ишни кўриб чиққан. Агар судья ишни кўриб чиқиш учун етарли далиллар бор деб ҳисобласа, у ишни суд муҳокамасига топширган. Агар далиллар етарли бўлмаса, ишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ўша вақтларда айбланувчи дастлабки эшитув жараёнида ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлган. У адвокат ёрдамида иш бўйича далилларни текшириш, гувоҳларни сўроқ қилиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган.

Буюк Британияда дастлабки эшитув босқичи магистрат судьялари томонидан амалга оширилган⁶⁹. Магистратлар иш бўйича далилларни йиғиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, ва ишни юқори судга олиб чиқиш учун етарли далиллар бор-йўқлигини аниқлаш билан шуғулланган. Мазкур босқичнинг асосий мақсади ишни суд муҳокамасига олиб чиқиш учун етарли далилларни аниқлаш бўлган. Буюк Британияда далилларни дастлабки текшириш умумий қоидаларга кўра, айблов ҳужжати судга тақдим этилгандагина амалга оширилган. Бундай текширув органи бўлиб мировой судлар (келиштирув), пойтахтда полиция магистрантлари, жойларда магистрлар ҳисобланган.

РСФСРнинг 1923 йилдаги Жиноят-процессуал кодексининг 236-моддасига кўра, маъмурий суд мажлисида шахсга қўйилган айблов айблов ҳулосасининг тавсиф қисмида кўрсатилган маълумотлар билан етарли даражада баҳоланганлиги, айблов ҳулосаси тўғри тузилганлиги, айблов Жиноят кодексининг қайси моддаси билан қўйилганлиги, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар ҳақидаги масалалар кўриб чиқилган⁷⁰. Маъмурий суд мажлислари жиноят ишларини кўриб чиқишнинг муҳим босқичи сифатида белгиланиб, бу босқич ишни суд муҳокамасига олиб чиқиш ёки маъмурий жараёнда ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни ҳал қилиш мақсадида ўтказилган⁷¹. Мазкур босқичда жиноят иши бўйича далиллар йиғилган, гувоҳлар сўроқ қилинган ва ишга оид барча ҳолатлар ўрганилган. Судья ёки суд ҳайъати ишни суд

⁶⁸ Иноғомжонова Зумратхон Фатхуллаевна, “Жиноят-процессуда суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари”. Ю.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертация. 2006 йил, 28 б/319 б.

⁶⁹ Павлов И. И., “Сравнительное уголовное право и процесс”, 2009., стр 256.

⁷⁰ Уголовно-процессуальный кодекс РСФСР 1923 г. <http://museumreforms.ru/node/13986>

⁷¹ Тарновский, И. С., “Советский уголовный процесс”, 1923 йил, 167 б.



муҳокамасига олиб чиқиш учун етарли далиллар мавжудлигини аниқлаш мақсадида ишни кўриб чиққан. Маъмурий суд мажлисигача прокурор ва судья ишни тайёрлаш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширган. Бу жараёнда барча ҳужжатлар, далиллар ва гувоҳлик кўрсатмалари йиғилган ва иш суд мажлисига тайёрланган. Маъмурий суд мажлиси натижалари бўйича судья ишни ҳал қилиш ёки уни суд муҳокамасига олиб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилган. Маъмурий суд мажлисида жиноят ишлари икки нафар халқ маслаҳатчиси ҳамда судьядан иборат таркибда кўриб чиқилган.

Илмий манбаларда 1922 йилдаги кейинчалик 1923 йилдаги процессуал қонунларда суднинг жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиши тақиқланган, фақат айблов хулосасини ўрганиб чиқиб, айбланувчини судга бериш белгиланган⁷². Ушбу қоида суд тизимида муайян маънода қийинчиликларни юзага келтирганлиги сабабли,

1924 йил 16 октябрда 11-чақириқ Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг 2-сессияси қарори билан РСФСР Жиноят-процессуал кодексининг 236-моддасида назарда тутилган ушбу қоида чиқариб ташланган. 1924 йилдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар совет ҳуқуқ тизимини тез ва самарали қилишга қаратилган.

РСФСР Жиноят-процессуал кодексининг 236-моддани чиқариб ташлаш орқали процессуал тўсиқларни олиб ташлаш ва жиноят ишларини кўриб чиқишдаги бюрократияни камайтириш мақсад қилинган. Бу суд жараёнларини тез ва самарали қилишга хизмат қилган. Бунинг натижасида суд жиноят ишининг барча материалларини, шу жумладан, далилларнинг етарлилиги ёки етарли эмаслиги нуқтаи назаридан текшириш ва баҳолаш ҳуқуқини олган. Натижада, жиноят ишларини кўриб чиқиш сифатини текширишнинг кенг имкониятлари ва айбланувчига асоссиз айблов қўйиш, судга жалб қилиш масалалари қайта кўриб чиқилиб, шахс ҳуқуқлари кафолатланди.

Бундан ташқари, РСФСР Адлия Халқ Комиссарлиги ташаббуси билан 1929 йилда жиноят процессининг мустақил босқичи сифатида судга тортиш босқичи бекор қилиниб, прокурор томонидан тасдиқланган айблов хулосаси судга тортиш актига айланди⁷³. Яъни 1929 йилдаги ўзгаришлардан кейин жиноят иши бўйича тергов якунлангач, иш тўғридан-тўғри суд муҳокамасига олиб чиқиладиган бўлган. Бу жараёнда прокурорнинг ваколатлари кенгайтирилган ва у ишни суд муҳокамасига олиб чиқиш учун етарли далилларни баҳолаш ва ишни судга топшириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган⁷⁴. Жумладан, вақт ўтиши билан жиноят ишлари етарли асосларсиз, тўлиқ текширилмаган, нотўғри жиноий-ҳуқуқий таснифланган ҳолда судга тақдим қилинганлиги ҳолатлари устидан суд назоратининг кўринишлари намоён бўла бошлаган. Хусусан, 1934 йилдаги КПСС(б)нинг XVII съездида қурултой делегатларининг фикрича, суд ва прокуратура органлари жиноят ишларини тергов

⁷² Иноғомжонова Зумратхон Фатхуллаевна, “Жиноят-процессда суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари”. Ю.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертация. 2006 йил, 136 б.

⁷³ Постановление ВЦИК и СНК РСФСР от 20 октября 1929 г. “О дополнениях и изменениях Уголовно-процессуального кодекса” // СУ РСФСР, 1929. - № 78. - Ст. 756.

⁷⁴ Смирнов, А. В., “Советский уголовный процесс: Учебник для юридических вузов”, 1932 йил, стр. 275.



қилиш ва судда кўриб чиқишда иш сифатини кескин ошириш, одил судловни амалга ошириш, суд муҳокамасига жиддий тайёргарлик кўриш, тарафларнинг илтимосномаларига алоҳида муносабатда бўлиш, далилларни синчковлик билан ва ҳар томонлама текшириш масалаларига эътибор қаратилган. СССР Олий суди Пленумининг 29.03.1936 йилдаги қарорига кўра, айбланувчини суд муҳокамасининг тайёргарлик босқичига жалб қилиш тўғрисида қоидалар белгиланди. Мазкур қоидаларга кўра, суд муҳокамасининг тайёргарлик босқичига истисно ҳолларда айбланувчининг шахси билан танишиш ёки айбланувчи томонидан берилган илтимосномаларни ҳал қилиш билан боғлиқ ҳар қандай масалаларни аниқлаш зарурати билан рухсат этилган. Мазкур Пленум қарорига кўра, суд ишларини тез ва самарали кўриб чиқиш учун зарур бўлган барча процессуал жараёнларни тезлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш ва суд жараёнларидаги қийинчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилган⁷⁵. Бу масалаларни ҳал қилиш учун суд жараёнларини ва суд ҳужжатларини соддалаштириш чоралари кўриш тавсия қилинган. Ўша вақтларда жиноят ишларини тайёргарлик босқичида кўриб чиқишда суд мажлисига гувоҳлар ва экспертларни чақириш тақиқланган эди.

Лекин, СССР Олий судининг 54-пленуми қарори билан умумий юрисдикция судларида судга тортишнинг мажбурий шакли сифатида жиноят ишларини тайёрлов босқичи тикланиб, айбланувчини ва ҳимоячини тайёрлов босқичига чақириш имконияти яратилди. Шунингдек, 1938 йилда “СССР суд тизими тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, халқ суди жиноят ишини суд мажлисида кўришдан олдин маъқуллаши керак эди⁷⁶. Судья айблов ҳулосасига рози бўлмаган тақдирда, жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ёки тўхтатишга ҳақли бўлган. Шу билан бирга мазкур босқичда ҳимоячи ҳамда прокурор иштироки мажбурийлиги белгиланган. Мазкур ислохотлар натижасида “жиноят ишларини тайёрлов босқичига дастлабки тергов пайтида йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликларни аниқлашда “филтр” роли берилди⁷⁷.

Бундан ташқари, 1960 йилдаги ислохотлар натижасида РСФСР Жиноят-процессуал кодексининг 222-моддасига кўра, судга бир қатор мажбуриятлар, хусусан, тақдим этилган жиноят иши бўйича қилмишда жиноят таркиби борлиги, ишни кўриб чиқиш учун етарли далиллар тўпланганлиги, жиноят қонуни нормалари тўғри қўлланилганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий зарар қопланганлиги каби ҳолатларни аниқлаш вазифалари белгиланди. Хусусан, 1959 йил 21 майда қабул қилиниб, 1960 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон СССР Жиноят-процессуал кодексига “Айбланувчини судга бериш ва суд

⁷⁵ Горелов, М. П., “История советского уголовного процесса”, 1940 йил, стр. 213.

⁷⁶ Закон СССР от 25.12.1938 “Об утверждении Основ законодательства о судостроительстве Союза ССР, союзных и автономных республик” // СЗ СССР. - 1938. - № 23. - Ст. 203

⁷⁷ Выдря М.М. Предание суду как гарантия законности привлечения к уголовной ответственности: Учеб. пособие. - Краснодар. - 1981. - С. 18



мажлисига тайёргарлик ҳаракатлари” деб номланган ўн тўққизинчи боб киритилиб, мазкур боб жиноят процессининг мустақил босқичи деб тан олинди⁷⁸.

Бу борада олим В.З.Лукашевич *“судьяга дастлабки терговнинг қонуний ва қўйилган айбловнинг асослилигини билиш ва баҳолаш имкониятининг берилиши, эришилган энг катта ютуқ бўлди”*⁷⁹ деб фикр билдирган.

СССР Олий судининг 28.11.1980 йилдаги Пленум қарорига кўра⁸⁰, суд муҳокамасига тўғри тайёргарлик кўриш жиноят процессининг муҳим босқичи эканлиги, бунда суд ишни судда кўриб чиқиш учун асосларнинг етарлилигини текшириши шартлиги назарда тутилди. Шунингдек, суд-ҳуқуқ ислохотлари концепцияси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, Россия Федерациясининг 1992 йил 29 майдаги қонуни билан ўша вақтдаги РСФСР Жиноят-процессуал кодексидан судларда ишларни маъмурий суд мажлиси тарзида кўриб чиқиш босқичи чиқариб ташланди⁸¹.

Бизнингча, Россия Федерациясида мавжуд бўлган маъмурий суд жараёни дастлабки эшитув институтининг ўзига хос намунаси бўлган деган хулосага келишимиз мумкин. Россия Федерациясидаги ислохотлар натижасида РСФСР Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддаси мазмуни тўлиқ ўзгартирилиб, Кодекснинг 222, 223, 228-моддаларнинг мазмуни қисман ўзгартирилди, 227-моддаси эса “Судьянинг ишни судга қадар кўриб чиқиш ваколатлари ва суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш” деб номлана бошлади. Дастлабки эшитув босқичи Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодексига 16.07.1993 йилдаги 5451-1-сонли қонун билан киритилган. Бунгача бўлган жараёнда дастлабки суд эшитуви бўлмаган⁸².

Яна бошқа манбаларда Россияда 1993 йил 16 июлдаги Федерал қонуннинг кучга кириши билан суд муҳокамасини тайинлаш босқичининг тартиби тўлдирилиб, янги шакл – томонларнинг фаол иштирокида ўтказиладиган дастлабки эшитув босқичи жорий этилди⁸³. Мазкур қонун билан дастлабки эшитув босқичини киритишнинг асосий мақсади суд жараёнининг адолатлилигини, шаффофлигини ва самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, жиноят процессуал қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўлган. Ўша вақтда дастлабки суд мажлиси (янги жорий этилган вақтда) битта судья томонидан ёпиқ суд мажлисида илтимоснома берган томонларнинг (прокурор, айбланувчининг) мажбурий иштирокида ўтказилган. Дастлабки суд мажлисида ҳимоячи, жабрланувчи иштирок этиш ҳуқуқига эга эди, бироқ жабрланувчининг келмаслиги суд мажлисини кўриб чиқишга тўсқинлик қилмаган. Шу жумладан, Россия Федерациясининг 1992 йил 29 майдаги Қонуни билан РСФСРнинг амалдаги Жиноят-процессуал кодексига қўшимчалар киритилиб, айбланувчини судга олиб келиш босқичининг номи ўзгартирилган, маъмурий суд йиғилиши институти

⁷⁸ Иноғомжонова Зумратхон Фатхуллаевна, “Жиноят-процессда суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари”. Ю.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертация. 2006 йил, 138 б/319 б.

⁷⁹ Лукашевич В.З. Гарантии прав обвиняемого в стадии предания суду. –СПб., 1996. –Б 148.

⁸⁰ Тарновский, И. С., “Советское уголовное право и процесс”, 1982 йил, стр 314.

⁸¹ Долгих Татьяна Николаевна, “Институт предварительного слушания в уголовном судопроизводстве России”. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. 2007 г, 32 ст.

⁸² Тарасова Ю.И. “К истории возникновения института предварительного слушания”

⁸³ П.Л.Ишимов. “Процессуальный порядок подготовки уголовного дела к судебному разбирательству” Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. ИЖЕВСК – 2005. Ст 39.



тугатишган, айбланувчини судга тортишнинг коллегиял шаклидан воз кечилиб, ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичи томонларнинг иштирокисиз ўтказилган⁸⁴.

Бошқа манбаларда⁸⁵ СССР ЖПКларида (1923-1959йиллар) ҳам дастлабки эшитув босқичи элементини кўриш мумкин. Мазкур босқич суд эшитуви сифатида айрим даврларда прокурор ёки терговчи иштироки ихтиёрий бўлса, айрим даврларда мажбурий этиб белгиланган. XX асрнинг 80 йиллар охири 90 йиллар бошида Италия, Финляндия, шу билан бирга Россия судларида биринчи инстанциясида тайёрлов босқичи пайдо бўлди – дастлабки эшитув, яъни “arraignment – судга жалб қилиш” инглиз судининг процедураси намуна бўлиб хизмат қилган.

Россия Федерациясида 2001 йилдан аввал дастлабки эшитув жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш босқичи континентал модел асосида қурилган. Унга кўра, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида суд муҳокамаси эмас, балки ҳолат бўйича айблов дастлабки тарзда текширишган. Россияда дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичлари ўртасидаги *суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш босқичининг* номи бир неча бор ўзгартирилган. Масалан, 1992 йил май ойигача ишни *судга бериш босқичи*, 1992 йил май ойидан бошлаб Россия Федерациясининг амалдаги Жиноят-процессуал кодекси қабул қилингунга қадар *суд мажлисини тайинлаш босқичи* деб номланган⁸⁶.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда айтишимиз мумкинки, тарихан дастлабки эшитув босқичида одатда тарафлар суд мажлисига чақиртирилган, уларнинг жиноят иши бўйича позицияси аввалдан аниқланган, тақдим этилган далилларни мақбуллиги текширилган ва бу босқичда тарафларнинг фикрлари (илтимосномалари) тингланган.

Бошқа манбаларда⁸⁷, дастлабки эшитув институти Англия-Америка моделида айбланувчини судга тортиш мақсадида тузилган бўлиб, дастлабки тинглаш фақат айблов билан қўзғатилган жиноятлар бўйича ўтказилган.

АҚШда дастлабки эшитув босқичи (preliminary hearing) XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Дастлабки эшитув босқичини жорий этишнинг асосий сабаблари жиноят процессида айбланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд жараёнининг адолатлилигини таъминлаш ва қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиш бўлган. АҚШда дастлабки эшитув босқичи эҳтиёт чорасини танлаш, айбланувчининг қўшимча гувоҳларни чақиртириш ҳақидаги илтимосларини ҳал этишни ҳам кўзлаган⁸⁸.

⁸⁴ П.Л.Ишимов. “Процессуальный порядок подготовки уголовного дела к судебному разбирательству” Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. ИЖЕВСК – 2005. Ст 38.

⁸⁵ Д.С.Довудова “PRELIMINARY HEARING OF CRIMINAL CASES: FEATURES, ISSUES AND NEED FOR IMPROVEMENT”. International Journal Of Law And Criminology. (ISSN – 2771-2214) VOLUME 02 ISSUE 08 Pages: 19-24.

⁸⁶ Н.В.Кулик “Осуществление прокурором доказывания на предварительном слушании”. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. 2006 г, 194 ст.

⁸⁷ Охлопкова Анна Семеновна, “Институт предварительного слушания в уголовном судопроизводстве”. Institute of preliminary hearing in criminal proceedings. Кандидат юридических наук, доцент юридического факультета Северо-Восточного федерального университета имени М. К. Аммосова. ПРАВО И ГОСУДАРСТВО: теория и практика. 2023. № 11(227) Статья поступила в редакцию: 03.10.2023.

⁸⁸ Охлопкова Анна Семеновна, “Институт предварительного слушания в уголовном судопроизводстве”. Institute of preliminary hearing in criminal proceedings. Кандидат юридических наук, доцент юридического факультета Северо-Восточного федерального университета имени М. К. Аммосова. ПРАВО И ГОСУДАРСТВО: теория и практика. 2023. № 11(227) Статья поступила в редакцию: 03.10.2023.



Бизнингча, дастлабки эшитув институтининг жорий этилишига демократик давлат асослари, конституциявий қоидалар ҳамда жиноий иш юритишнинг тортишув тамойили асосий омил бўлган.

Бошқа манбаларда дастлабки эшитув босқичида барча масалалар суд муҳокамаси доирасида ҳал этилиши, суд жараёни тортишув шаклида олиб борилиши, ишда айбланувчи ва ҳимоячи иштироки шартлиги, судья кенг ваколатларга эга эканлиги билан фарқланган⁸⁹.

Ўзбекистонда (Мовороуннахрда) суд амалиёти ва тажрибаси узоқ тарихга эга бўлиб, ўрта асрларда, темурийлар ва хонликлар даврларида жиноят ишлари қози ва қозикалон ихтиёрида бўлган. Бу даврда асосий суд идораси қозилик маҳкамалари ҳисобланиб, қозикалон бутун мамлакатнинг бош қозиси (судьяси) эди. Қози жиноят ишини якка ўзи кўриб чиққан ҳамда шариат қоидаларига асосан ҳукм чиқарган⁹⁰. Қозилар томонидан олиб бориладиган суд жараёнида айбдорни айбини исботлаш учун шариат қонун қоидаларига риоя қиладиган, ростгўй, халол кишиларнинг гувоҳлиги етарли асосга эга эди.

Ислом ҳуқуқий тизимида қисман бўлсада дастлабки эшитувнинг элементларини кўришимиз мумкин. Мисол учун, қозилар жиноят ишлари бўйича дастлабки далилларни тўплаш ва текшириш ишларини амалга оширганлар. Хусусан, “Ал-Фақиҳ ва ал-Мутафаккиҳ” китобида қозининг жиноят ишларини кўриб чиқиш учун далиллар ва гувоҳларни текшириши ҳақида маълумотлар қайд этилган⁹¹. Унга кўра, ислом ҳуқуқида жиноят ишлари кўриб чиқилиши учун алоҳида бир босқичга ажратилмаган бўлсада, қози (судья) ишни кўриб чиқишдан олдин маълумотларни йиғиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ва далилларни текшириш вазифаларига алоҳида урғу берилган.

Илмий манбаларда исломнинг илк даврларида, хусусан, Пайғамбар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврида адолатни таъминлаш мақсадида низолар Пайғамбар томонидан шахсан амалга оширилган. Шунингдек, халифалар ҳам ишларни кўриб чиқишда адолат ва шариат қоидаларини таъминлашга ҳаракат қилганлар. Қозилар иш бўйича етарли далиллар мавжудлигини текширганлар. Улар ишни ҳал қилишда ислом ҳуқуқи манбаларига таянган. Жумладан, Аббосийлар (750–1258) ва Умавийлар (661–750) даврида мусулмон ҳуқуқида суд назоратининг элементлари тизими янада мустаҳкамланган. Судгача иш юритиш босқичида далилларни йиғиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёни ривожланган. Бу даврда турли ҳуқуқий мактаблар (мазҳаблар) пайдо бўлган ва уларнинг ҳар бири ўзининг ҳуқуқий қарашлари ва фикрлари асосида ишларни ҳал қилиш учун турлича ёндашувлар қўллаган. Қози ишни ҳал қилишда адолатни таъминлаш учун шариат қоидаларига амал қилган.

Ўрта асрларда ислом ҳуқуқий мактаблари (мазҳаблар) ўз ҳуқуқий принципларини ривожлантириб, Ҳанафий, Моликий, Шофий ва Ҳанбалий мактаблари судгача иш юритиш ва суд назоратининг турли босқичлари бўйича ўз ёндашувларини ишлаб

⁸⁹ С.Раҳмонова. “Дастлабки эшитув институти: Суд амалиётига татбиқ этиладиган янги тартиб самараси нимада?”. АДВОКАТ 3/2021

⁹⁰ Сағдуллаев А. ва б. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000. –Б.202

⁹¹ Ал-Хатиб ал-Багдади, “Ал-Фақиҳ ва ал-Мутафаккиҳ”, 2-жилд, 191 б.



чиққанлар⁹². Улар иш юритишда адолатни таъминлаш, далилларнинг тўғри ва ҳақиқийлигини текшириш, гувоҳларнинг кўрсатмаларини баҳолашга алоҳида эътибор қаратганлар. Ҳар бир мактабнинг фикҳий асослари ва методологиялари турлича бўлиб, суд назоратининг амалга оширилишида ҳам турли ёндашувлар мавжуд бўлган. Бу босқичда гувоҳларнинг сўзлари, ишончли далиллар ва ишга тегишли бўлган ҳар қандай маълумотларни йиғиш жараёни қозининг адолатли қарор қабул қилишини таъминлаган.

Ибн Халдуннинг фикрига кўра, ислом ҳуқуқида суд назоратининг ривожланиши асосан тўрт асосий давр (Пайғамбарлик даври (622-632), Ҳулафои рошидун даври (632-661), Умавийлар даври (661-750), Аббосийлар даври (750-1258)га бўлинади⁹³. Ҳар бир даврда ислом ҳуқуқи ва суд тизимидаги ўзгаришлар ва ислохотлар алоҳида таъкидланган. Ҳулафои рошидун даврида адолатлилик ва қонун устуворлигига эътибор қаратилган, Аббосийлар даврида эса қозилик тизими ривожланган.

Абу Захра⁹⁴, Халид Муҳаммад Халид⁹⁵, Абдулкарим Зайдан⁹⁶ судгача иш юритишдаги суд назорати ривожланишини тўрт давр Пайғамбар ва саҳобалар даври (622-661), Халифалик даври (661-1258), Ислом ренессанси ва ислом фикҳи ривожланиши даври (1258-1453), Усманийлар даври ва турли исломий давлатлар (1453-1924)га бўлиб ўрганган. Уларнинг фикрига кўра, ҳар бир даврда суд тизимлари ва фикҳий мактаблар орасидаги ҳуқуқий қарашлар ҳамда шариат қонунлари амалиётида турли хил ўзгаришлар содир бўлган. Усманийлар даврида эса қозилик институти янада ривожланган.

Олим Ғ.М.Шодиев, судгача иш юритиш босқичида суд назоратининг тарихий ривожланишини уч босқичга яъни, советлар тузумига бўлган, собиқ иттифоқ ва мустақиллик даврларини тадқиқ этган⁹⁷.

Мамлакатимиз жиноят-процессуал ҳуқуқи тизимида дастлабки эшитув институти янги босқич сифатида намоён бўлсада, унинг илк намуналари антик Рим, қадимги Юнонистон, Буюк Британия ва бир қатор давлатларнинг ҳуқуқий тизимига бориб тақалади. Тарихий жаҳатдан айтганда жиноят процессида дастлабки эшитув босқичи процессуал одил судловнинг пойдевори ҳисобланади. Ҳуқуқий тизимлар ривожланиши билан дастлабки эшитув институтининг назарий ва ҳуқуқий асослари аҳамияти шаклланиб боради.

⁹² Ибн Қудома, “Ал-Мугний”, 3-жилд, 274-б

⁹³ Ибн Халдун, “Ал-Муқаддима”, 1377 йил, 356 б.

⁹⁴ Абу Захра, М., “Ал-Тарих ал-Фикҳи ал-Ислами”, 1957 йил, 214 б.

⁹⁵ Халид Муҳаммад Халид, “Тарих ал-Қазо фи ал-Ислам”, 1980 йил, 147 б.

⁹⁶ Абдулкарим Зайдан, “Ал-Мадҳал ли-Дирасат ал-Шари’а ал-Исламия”, 1998 йил, 314 б.

⁹⁷ Шодиев Ғулом Махамматович. “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати”. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2010 йил, 56 б /145 б